

Қишлоқ оқсоқоллари

Бу кишини мен болалигимдан билман. Ҳаммага бағириб-чақириб тақирди: «Ассало му алайкум, Мулло Олим ака, бола-чақа эсонми, мол-ҳол туғалми? Чарчамайсизми? Чарчамағ, ака, чарчамағ...» «Хой, Аллоб, мулло Аҳмадникига «ғирр» этиб бор, айт, Улфатанга борсин. Фалончаникида (исмини айтарди) тўй маслаҳати...» «Хў-ў. Журақобил ака, Алибек тўйга айтди, бормай қолманг...» «Ай, қариндошлар, ферманинг эинхонаси кулаб тушай дебди-ку, биров қилиб берадими, қани, ҳашарнинг бошида туринглар...» «Ҳай, ёнавайрон бўлмай кетинглар иккаловинг ҳам, бир қориндан тушиб тешишасизлар, бегона кўрса нима дейди, уят, элдан эллик кетибди, демайдими...»

ларга ҳам танит, фақат яхши деб танит-да, танқид ҳам қилар эмисан, ишчилик инсофини ўзинга берсин, боболаринг қайнаб-тошиб ўтган: бири от ўйнатса, бири думбира сайратган...»

Этибди, нима қиласизлар жузвухонани дейишди, бузиб ташладил, ана энди қаранглар бугун йўқ — ун йўқ, мой йўқ, совун йўқ, гутурт йўқ. Тошкентга бориб олиб келия десак, улов йўқ, улов бўлса ҳам у ерларда-да ўзи

ланган, шахсан Сталиннинг раҳматномасини олган. Ленинград қамалида тўнқиз катанган, 1943 йилда КПСС сафига кирган. Жанггоҳдан қайтганидан сўнг қишлоқ шўрсон раиси, колхозда раис муовини, колхоз-

материаллари учун қаерларга бормади... кимларга бош урмади... Охир-оқибатда барбир шифохона битмади. Чала этибди. Полпалатог қилди десак, тахта йўқ, эшик-ром дегандай... Бечора одамлар ҳам фақат текнига ишлайвермади, ахир! Уларнинг-да бола-чақаси бор. Қўшилиш қишлоқдан ҳам эл бир ўн йиллик мактаб бошлаганди. — Ҳашар йўли билан... Аммо, қани материал? Тақа-тақ тўхтади. Совхоз раҳбарларининг ҳам, райондагиларнинг, ҳатто депутатларнинг ҳам иши йўқ, парвоий палак!

КУЙГАНИ—СУЙГАНИ

Ана энди денг, шу одам бугун етимишни уриб, саксонга қадам қўйибди. Утган йил йиллар ўтиб, суҳбатда бўлдим. Икки юздан орттиқ хўжаликни ўз ичига олган Наҳрруд даҳасида Маҳмуд Сақоновсиз тўй ҳам, аза ҳам ўтмайди, деб эшитиб юрардим.

Ҳаммаси рост. Фақат энди Маҳмуд ақанинг «барқир-чарик»лари кучайибди: «Нега қишлоққа асфальт йўл келмайди, нега автобус қатнамайди, одамлар тоқай сарсон-саргардон, ўзи шўро ҳукумати борми, йўқми, бундай қараса бўлмайди, қўлидан келса қилсин, қўлидан келмаса эл-юртининг ўзинга қўйсин, эркини берсин-да, шунча йил ишониб яшадик, яна ишонмай, лекин бир тўхтама келадиган кун борми, йўқми?.. Қишлоқимизда йигирмага яқин тегиримон буларди-я, коммунизм бўлади, тегиримонлар керак эмас деди, бузиб ташладик, қанча жузвухоналар борибди, мой ошиб-тошиб

совхозларда фирқа қўмитаси котиби ва ҳоказо ишларда ишлаб келган. 1980 йилдан буён давлат нафақаси билан таъминланган. Улғун Ванат урушининг II группа инвалиди, меҳнат ветерани.

Маҳмуд ака билан гурун қилиб ўтирарканман, ҳаёлимдан кўп нарсалар кечди. Хусусан, бугунги шиддатли ҳаётимизда шундай кишиларни унутиб қўй-мадикимиз? Уларнинг қадрига етаймизми? Ҳолбуки, булар ҳамон тиниб-тиямани эл-юрт билан бирга. Ҳадеб «тепа»дагиларга, уларнинг ишорасига маҳал «арбоб»ларнинг оғизга қарайвермасдан оқсоқолларимиз тажрибасига суянадиган вақт келмадикимиз?

Икки йил бурун, — дейди у куюниб, — йигирма беш ўринли касалхонанинг деворларини тиклаб, устани ёпиб олди. Элининг ўзи қилди, қуролдош дўстим Қўшбоқ Раимов билан бош-қош бўлдик. Қурилиш

Маҳмуд ака, дегим келди, қочки сиз каби одамлар кўп бўлса! Халқ иши учун жонини жабборга бериб, ҳақ сўзидан қайтмай курашадиганлар кўп бўлса! Сиздай фидойи оқсоқоллар ҳар бир даҳада, ҳар бир қишлоқда, ҳар бир маҳаллада бор бўлиши, дегим келди. Ахир қадимлари шундай эмасиди? Шундай эди!

Азизбой мулло ОЛИМ ўғли.

1991 йилда Яқини Яқин

ЁДЛАВ ОЛИНГ

ОШУБКИ УЛ КҮЗ ТАРФИ АЙЛАНАДУР,
БОҒЛАБСЕН-У, ЖОН БУ ДАРДИН УРТАНАДУР.
Ё ГОЯТИ УСРУКЛУҒИДИН БУЛҒАНАДУР,
УЛ МАСТ КЕБИКИ, БУЛҒАНУР—БОҒЛАНАДУР.



АР — 1. Агар боғловчисининг қисқартirilган шакли:
2. ҳоҳ;
АРАБ — 1. халқ номи; арабистонлик, араблар;
2. араб мамлакат;
АРАБИЙ — 1. арабча; арабий;
2. араб, араб халқига мансуб;
АРАБИЯТ — араб тилига оид, арабча;
АРАШ — узунлик ўлчови (50—60 см).
АРАК I — тер.
АРАК II — ичмилқ, ароқ.
АРАҚШИШНИ — тарга ўтиргани, тарга боғтан.
АРАҚНОК — тарлаган, тарли.
АРАҚРЕЗ — тар тўкувчи; меҳнатқеш, меҳнатсавар.
АРБАДА — шовқин-сурон, тўполон, мастона бақиршиш.
АРБАДАГАР — жанжалқаш.
АРБАИН — 1. қирқ кун, чилла; қирқ кун хилватда ибодат қилиш;
2. жомий асарининг номи;
3. қирқ ҳадис (асар номи).
АРБОБ — 1. соҳиблар, эгалар, фозиллар;
2. улуглар, амалдорлар, мансабдорлар.
АРБОҒ — авроқ, авраш; афсун; ўралиб чирмашиб турши.
АРВОҒ — руҳлар;
АРЖМАНД — 1. азиз, иззатли, қадрли, қимматли; шарафли, обрўли, муҳтарам;
2. арзийдиган, лойиқ, сазовор;
3. машҳур, улугвор;
4. етишиш қийми, амри маҳол бўлган нарса.
АРЗ I — ер, замин, ар юзи.
АРЗ II — 1. нэхор, баён, мурожат, истақ, илтимос; шикоят;
2. кўрсатиш, намойиш этиш, ҳавола қилиш.
АРЗ III — бирор нарсанинг қанглиги, эми.
АРЗА — арза; илтимос, изҳор; шикоят;
АРЗАДОШТ — ўз аҳволини баён қилиш, истақ, мақсадни хат орқали билдириш.
АРЗАНДА — лойиқ, муносиб, арзийдиган; эрки, севикли.
АРЗАНДАЛИҚ — арзирли, арзигули.
АРЗИ — лойиқ, муносиб бўлмоқ; тағи келмоқ; арзимоқ.
АРЗОЛ — 1. ризиллар; ноқаслар; пасткаш, тубан, қабхи, паст;
пастки табақа, ағом халқ.
АРЗОНЛИҚ — лойиқ, мувофиқ, муяссар.
АРИ I — болари, асалари; занбур.
АРИ II — тоза, соф, пок.
АРИ/ОРИ — тозаланмоқ, софланмоқ.
АРИЛ — покланмоқ, тарқалмоқ.
АРИН — йиртиқлар, ҳайвонлар; улар яшайдиган тўқай, чангалзор.
АРИТ — 1. тозаланмоқ, покланмоқ;
2. кўтармоқ, бартараф қилмо.
АРИҚ I — ариқ.
АРИҚ II — бошқача, соф.

АРШПАРВОЗ — баланд парвоз, юксакка кўтарилишчи.
АРШО/АРШОЙ — аршга етган, осмоннинг энг юксак чўққисига тағи; арш каби юксак.
АРҚОМ — рақамлар, сонлар, азу-чизувлар;
АРҒАВОН/АРҒУВОН — арғузон, қизил гул.
АРҒАДА — алдамқоқ, ҳилва, макр билан ёнгмоқ, фириб бермоқ.
АРҒАНУН — музика асбоби, орган.
АРҒУВОНГУН — қизил тусли.
АРҒУВОННИЙ — қизил рангли.
АРҒУВОНРЕЗ — қон тўкувчи, қонли кўз ёши тўкувчи.
АРҒУВОНҲАД — қизил юзли, гўзал ёнқоқ.
АРҒУМОҚ — отнинг бир тури; арғумоқ, зотли чопқир от.
АРҒУШТОҚ — рақс, ўйин.
АРИҒ I — 1. ариқ;
2. кўз ашининг оқиши, оқадиган жойи.
АРИҒ II — 1. соф, покиза;
2. янги;
3. яқин, дуруст, маъқул;
4. баёқара, узоқ, мақрум.
АРИҒЛИК — софлик, поклик.
АРИҒЛИ — ариқда оқадиган, ариқдаги.
АРИҒСИЗ — нопок; муҳдиш.
АРК — сарой, қаср, баланд кўрғон, ички қалъа.
АРҚОН — 1. устунлар, таянчлар;
2. таркибий қисмлар, асослар;
3. бурчаклар;
4. руқилар (арузда).
АРЛОТ — ўзбек уруғларидан бири.
АРЛОЙИ — арлот уруғига мансуб.
АРМАНИ — арманистонлик.
АРМОН — 1. ушамалган орзу, истақ; пушайман; ҳасрат, ўқини;
2. орзу, умид, тилақ.
АРМОНЛИҒ — ноқомлик, умидсизлик, машаққат.
АРФ — 1. ўрта, ора, оралик масофа, оралик ўрин;
2. ўрталик, ўрта;
3. пайтавта, сабабли, тўғайли.
АРОБА — арава.
АРОЗИ — ерлар, маконлар, жойлар.
АРОЗИЛ — энг паст табақа вакиллари; ноқаслар.
АРОЙИС — келинлар; гўзалликлар.
АРПА — арпа.
АРРА — 1. арра;
2. наҳаг балчиқнинг орқа қанотининг тишлари.
АРСА — 1. майдон, алағ жой;
2. қанглик;
3. олам, дунё.
АРСЛОН — шер, арслон.
АРСЛОНЛИҚ — шерлик; голиблик.
АРТИЛ — артилмоқ, покланмоқ.
АРУЗ — 1. аруз, шарқ поэзиясидаги шеърини ўлчао;
2. аруз вазида ёзилган, шеър, асар.
АРУЗВОРИЙ — арузга ўхшаш, арузмонанд.
АРУЗИЙ — аруз илми билан шуғулланган, шунга оид турли асарлар ёзган олимлар; арузчилар.
АРУС — 1. келин, келинчақ;
2. эрта баҳор чечаклари.
АРУСАК — ўйинчоқ; кўйирчоқ.
АРУСОНА — келинларга хос; гўзал.
АРУҒДОЛ/АРҒАДОЛ — тепака, дарё; пистирма.
АРУҒАЪ — энг юқори, энг юксак; юксакроқ, баландроқ;
АРУҒИ — гарчи, агарчи, шундай бўлса-да.
АРУШ — 1. осмоннинг энг юксак қаъати; юлдазларнинг энг юқорисини;
2. оқсак жой.
АРУШАД — энг етуқ, доно.
АРУШЖАНОБ — энг юксак дарвоқ; улкан тақдирданган жой; аршга ўхшаш юксак.
АРУШИОН — арши аъло даражасидаги арши аълога татбиқан иш юртилуқиди.
АРУШОС — осмонга ўхшаш юксак, осмонўпар; бери қонг.



НИЗОМИЙ номидаги Тошкент давлат педагогика институтиде Навоий ўқув-музейи ташкил этилди. Ўзбек ва ғозоқ филологияси талабалари шоир ҳаёти ҳамда ижодида оид машғулотларини шу ерда ўтади-ган бўлишиди. Қўрамага қўйилган «Хазойин ул-мавийи», «Хамса»нинг ундан ортқи нодир қўлама нусхалари нафақат талабаларнинг, балки илоийшунос олимларнинг ҳам диққатини жалб этди. Ўқув-музейи жавонидан Навоий асарларидан ташқари Хораз-

мий, Лutfий, Фузулий, Бедил девонлари ҳам жой олган. Шу кунларда шонорнинг ҳаёти, ижоди, давлат арбоби сифатидаги фаолиятига оид 1058 турли экспонатлар намойиш қилинмоқда.
Маъмур НАЗАР,
Суратда: муаллим Ф. Нафиев талаба С. Эшова билан Навоий асарларининг қўламалари хусусида суҳбатлашмоқда.
Муаллиф олган сурат.

АЖОЙИБУ ФАРОЙИБ

ТАВОБАТ ЮТУҚЛАРИ
Тавобатчилар шундай бир дори яратдиларки, ундан бир қўлтам инчан ака-ука дарҳол бир-бирини таний олмади, бири иккинчисига тиг кутаради. Ҳозирча бу дори Урта Осиёда ва Кавказда синовдан ўтказилмоқда. Синов натижалари билан сизларни марказий рўзномалар мунтазам таништириб борадилар.

МИШ-МИШ
Бир киши йўлда дўстини учратиб қолди.
— Эшитдингизми, миш-мишларга қараганда полиция маҳкамасига тутиб келтирилган битта фокусчи-садогарнинг кийимларини ечишганда ундан 14 та жузвухурятнинг бойлиги чиққанимиш.

Во, дариг ким экан у?
— Буниси сир.
О2 ХАБАР ҚИЛАДИ
Ички ишлар бўлиминисига янги келган милиция сержанти бозордаги чайковчиларни ушлаётиб, қўпол хатога йўл қўйди. У қанитанининг рўмол сотаётган холанисини ушлаб олди ва кўп ўтмай хизматга лаёқатсизлиги учун ишдан бўшатилди.
ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА
...Ва ниҳоят қадимий тоғ талалари энг юқори чўққига ўрнатилган тулки ҳайвонлиги йўқитиб, марҳум йўлбошчи — серна ҳайвонини тиклаб, унинг номини оқлашди. Умр бўйи чуқуллар йиққан дон-дунини еб-кемриб келган каламушлар «биз чуқулларини боқиб оч қолаётимиз» деб, сиқлонларни чуқулларга қарши оёққа тургазди.

СИЁТ ХАБАРЛАРИ
Марказий «мағбуот» нашрлари орасида «Ўзбекистон тўғрисида» ким қўп бўлган «ёна олади» деган шўро остида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Мусобақада «Советская культура», «Литературная газета» ҳам ТАСС пешқадамлик қилмоқдалар.
МИНҲОЖИДДИН.

«МИНГЧИНОР» КОШОНАСИ

Наманган шаҳридаги «Мингчинор» маҳалласида ҳақар йўли билан улугвор бино қурилдики, у Самарқанд ва Бухоро осори атикаларидан қолшимайди. Бу ишда шаҳар, вилоят ва республика халқ депутатлари ташаббускор бўлдилар.
«Мингчинор» кейинги ўн йилда Наманган ҳаритасидан жой олган янги даҳа бўлиб, унинг аҳолиси байналмилал-дир. Одамлар икмон де-

ражасида маблағ тўп-лашди. Қурилиш матери-аллари топишда район Совети икромия комитети ёрдам берди. Натижада мажлиси қурилиш жадал туғулганди.
Мулла Ҳошимжон Жўрабоев масжидга имом-хатибликка сайланди. Бу ерда фақат намоз ўқи-либгина қолмай, ёшлар тарбияси билан шуғул-ланиш ҳам йўлга қўйил-ган.
Турғунпўлат СУЛАЙМОН.



АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳар наркологиқ диспансери қо-шнда хўжалиқ ҳисобидаги наркологиқ шифо-хона фаолият кўрсатмоқда.
Шифохонада ичкиликбозлик (алкоголизм), гнѐхвандлик (наркомания), токсикомания ка-би касалликлар даволанади. Даволаш хуффи тартибда ўтказилади. Мурожат қилувчи шахслардан ҳеч қандай ҳужжат талаб этил-майди.
Муолажани юқори малакали, тажрибали мутахассислар олиб боради.
Шифохонанинг ишлаш тартиби:
Ҳар куня соат 9.00 дан 18.00 гача.
Дам олиш куни — якшанба.
Шифохона маънази: Тошкент шаҳри, Ак-мал Икромов району, Фарҳод кўчаси, В-15 мавзеси, 3-А ўй.

70, 13, 87, 79, 20, 152, 189, 75, 182, 33-автobуслар, 12, 13-троллейбуслар, 17-трам-вай юради. «Свердлов уйлари» («Свердлов-ские дома») бекати.
Мурожат учун телефон: 74-67-70.
АҒОНИСТОН ФАХРИЯЛАРИ
УЮШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
ЖУМҲУРИЯТ БУЛИМИ
ДОИМИЙ ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТАДИ
Сеансларни Афғонистон фахрийлари уюш-масининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими референти
Шоҳида НИШОНХҲАЕВА ўтказади
Муолажа уқалаш (массаж) ва қўл тегишвай уқалашни (Жуна Давиташвили усулида) ўз ичига олади.
Қўйидаги хасталиклар даволанади: нафас олиш системаси касалликлари, юрак-қон то-мирлари касалликлари, кўз касалликлари, нам-куватлик, уйқусизлик, жигар-буйрак касал-ликлари, артроз, тутанқоқ, асбонийлашув, та-янч-ҳаракат апарати касалликлари, ички ор-ганлар касалликлари, қўл-оёқ суякларининг зирқираши, бел огринги, бош огринги (мигрень), тирқиш ва юқумли бўлмаган бошқа касаллик-лар.
Дарддан фориг бўлишни истовчилар қўйи-даги маънавий мурожат қилдишлари мумкин:
700060, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 69-уй.
Телефон: 33-05-97.

«ИПАК ЙЎЛИ» СИРЛАРИ

КАШОФЛАР
КАШФИЕТИ
Азми Сирларф бўйидаги Донобод қишлоғи изловлар учун топган қадимий тангалар фақат археологларнинггина эмас, қишлоқ ақлини ҳам ҳушмуъ этак. Энди Фрунза районидеги бу қишлоқ аҳолиси уларнинг маскани водийдаги энг қадимий қишлоқлардан бири эканлиги ҳақида фахрланиб юришади.
Кашофлар толиб олган аз-ми кўздан ХI асрнинг иккинчи ярмида зарб этилган, аслар ўз изини қолдирган, сарғайиб кетган кундуш танга-лар толиди. Тангаларни об-дон текшириб, ундаги арабча

ёзувларини қайта тиклаган Ўзбекистон Фанлар академия-си археология институти ходимлари шундай хулосага келдилар. Қорехонийлар им-перияси ҳудудиде муомаладе бўлган бу тангалар муҳим ил-мий аҳамиятга эга.
КҮЗА КУНИДА
СИНДИ
Фарғона тоғ тизмалари эте-гида жойлашган Водил қишло-ғи фақат оромбахш, баҳво, гўзал кент бўлиб қолмай, қа-димий, маданият масканилар-идан бири эканлиги ҳам ўз ис-ботини топди. Тош-шағал ваъ-ерда меҳнат қилган В. Шингулова экскаватори новшиги илминчи чанқан катта лой дум-

ни кўриб ҳанг-манг бўлиб қол-ди. Хум ичиде яна бир таң-дирусуқа кўза ҳам бор экан. Наҳотки «хазина» бўлса! То-пилдиқларини ичиде одам сикети борлиги археологлар зытби-орини тортиди. Минг йиллик замин ўз бериде бойликни, хазинани эмас, даврининг хурметли, зытборли ўғлонини сақлаган экан. Жасад билан бирга кўйилган ўтир пичоқ-лар, камон тилғари, жез бал-дунлар, қимматбаҳо тошлар шундан далолат бериб ту-рибди.
Юртинизга араблар бости-риб келгунга қадар қавмининг уруғлари, ҳарбий саркарлар, баҳадирлар шундай иззат-ки-ром билан хумларга солиб кў-

гавжум, муҳим қарвонсарой-лардан бири бўлганлигини ис-ботлайди. Районда ўттизга яқин тарихий обиделар бор. Лекин бу мақони чин маъно-де шаҳар дея оламиман! Биз, археологларнинг қадимий ша-ҳарга қўядиган ўз талаблари-миз бор.
Тиниб-тинчимас бу археолог ҳозир республике аҳамиятга молик шаҳарнинг қадимий «қақ-хуқуқини» тиклаш учун жон куйириб юрибди. Қадим-ий ички ва ташқи шәрхристио деворлари билан ўрелганлиги, VI асрда бу ерда танга зарб қилинганлиги қадимий манба-лардан аён. Лекин бу тарихий ҳақиқатни бугунги кунда қан-дай исботлаш мумкин! Мўул босқинчилар бутунлай вайрон этган шаҳар 6—10 метрлик тул-роқ остида этибди. Шаҳар деворлари селкем 10 гектар

майдонни ташкил этадиган те-паликнинг қаеридан ўтган!
1990 йилнинг кен кузигаче Г. П. Иванов шу муаммони ис-бот этиш учун қазималар олиб борди. Тасодифин қар-рентки, у бошлиқ экспедиция қазмиш ўтказган жой шаҳар де-вори эмас, уни ўраб тургани, суви тўлдирилган хандақ экан. Эки 15—20 метр келеди-гак қўзмага ўзанида суи иллери аққол кўзмага ташланди турбиди. Қазимша чоғда қадимий хинд ва хитой ёдномаларида тилге олингандаги, расмларда тасви-рланган болалар лой вусте-ги ҳам топилиди. Хуштак то-зелангак, бундан 13 аср олдин қандай чалинган бўлса, шун-дай янграб овоз берди. Со-монийлар даврида зарб этил-ган тангалар ҳам археолог топилавлари хазинисини тўл-дириди.
Набижон СОВИР,
«Халқ сўзининг ўз музбири».

Бош муҳаррир: Аҳмадjon МУХТОРОВ.
Тахрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОВЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМДИЕВ, Яўдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЙОН, Тоiba ТУЛАГАНОВА, Муҳтарам УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.
Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди: 22.50
Индекс: 64608. 5233-бууртма.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наприётининг Меҳнат Қилди Вайроқ ордени босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12